

## А Ж Р И М

(жиноят ишини амнистия актига асосан тугатиш ҳақида)

2019 йил февраль ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Авезов, Ш.Қувондиқованинг котибалигида, тарафлардан Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси С.Норкулов иштирокида, [REDACTED] оид 1-2101-1903/399-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

[REDACTED] миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам:

1. 17.05.2007 йилда жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, 30.11.2007 йилдаги амнистия Қарорининг 1-банди “а” кичик бандига кўра жазодан озод этилган;

2. 05.07.2010 йилда жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а,б,в” бандлари билан бўлган жиноят иши 28.08.2009 йилдаги амнистия Қарорининг 1-банди “а” кичик бандига кўра тугатилган; маълумоти ўрта, оилалик, 4 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, [REDACTED]

“Қамоқ” эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, [REDACTED] аризасини муҳокама қилиб,

### А н и қ л а д и:

Дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] хавфли рецидивист бўла туриб, 2008 йил 29 ноябрь куни соат 14:00ларда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкани қўлга киритиш мақсадида Навоий шаҳар, 10-кичик тумандаги бозорнинг кириш дарвозаси қаршисида вояга етмаган [REDACTED] “мени тилла зирақларим билан ўзингизни тилла зирақларингизни тиллочига олиб бориб, неча пулга сотиб олиши мумкинлигини билиб беринг” деб уни ишончига кириб, алдаб қўлоғида бўлган нархи 320.000 сўмлик тилла зирақларини ўзининг зирақлари билан бир рўмолчага тугиб, фуқаро [REDACTED] ичидаги тошчалар ва эскирган сариқ рангли метал зирақлар ўралган бошқа рўмолчани бериб юбориб, фирибгарлик йўли билан [REDACTED] тилла зирақларини ўзлаштириб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари [REDACTED] хавфли рецидивист бўла туриб, 2009 йил 14 май куни соат 09:00ларда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан

Ўзганинг мол-мулкини такроран кўлга киритиш мақсадида Навоий шаҳар, Марказий деҳқон бозори олдида фуқаро [REDACTED] “тилла занжиримни билан ўзингизни тилла зиракларингизни тиллочига олиб бориб, нархини билиб беринг, тиллочилар менга паст нарх айтаяпти” деб ишончига кириб, алдаб унинг нархи 300.000 сўмлик тилла зираklarини бир рўмолчага тугиб, фуқаро [REDACTED] ичида оқ метал занжир ўралган бошқа рўмолчани бериб юбориб, фирибгарлик йўли билан [REDACTED] тилла зираklarини ўзлаштириб, воқеа жойидан яшириниб, ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК (2001 йил 29 августга қадар амалда бўлган) 168-моддаси 2-қисми “б” бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

[REDACTED] Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳридан туриб, ўзига оид жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан тугатишни сўраб ариза билан мурожаат қилган.

Унинг ушбу аризаси 2019 йил 8 февраль куни Санкт-Петербург округ нотариал идораси нотариуси [REDACTED] томонидан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида жиноят содир этган аёлларнинг жазодан озод қилиниши, мазкур Қарорнинг 7-бандида эса ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишларнинг тугатилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 2-бандига кўра эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга даҳлдор бўлса, шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги қайд этилган.

Суд, [REDACTED] томонидан содир этилган жиноят мазкур амнистия акти эълон қилингунига қадар тугалланганлигини, ушбу жиноят ижтимоий хавфлилигини, аёллигини инobatга олиб, унинг шахси ва содир этган қилмиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 7-банди таъсири доирасига тушганлиги сабабли, [REDACTED] айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмаган ҳолда жиноят ишини амнистия актига асосан тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари” тўғрисидаги 16-сонли Қарорининг 20-бандига кўра “Суриштирув, тергов босқичида ёки судда жиноят ишининг амнистия акти асосида тугатилиши жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш тўғрисидаги масаланинг жиноят процессида ҳал этилиши имкониятини истисно этади. Жиноят ишида фуқаровий даъво мавжуд бўлганда суриштирув, тергов органи ёки суд амнистия акти асосида жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор, ажримда даъво кўрилмасдан қолдирилганлигини кўрсатади. Айни пайтда, ЖПК 276-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, манфаатдор шахсларга бундай даъвони фуқаролик судида ишларни юритиш тартибида тақдим этиш ҳуқуқи тушинтирилади” деб кўрсатилган.

